

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

\_\_\_.\_\_\_.\_\_\_ й.

“AZIZASLAN” МЧЖ (кейинги ўринларда – “Иш берувчи”) номидан Устав асосида фаолият юрутувчи раҳбар Асланова Азиза Фахриддиновна бир томондан ва бир томондан, фуқаро \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – “Ишчи”) номидан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ишчи Иш берувчининг топшириғи билан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, Иш берувчи эса улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартномага кўра Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар:

- Ўқувчиларда нутқ кўникмаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи, ишлаб чиқилган дастур ва методларни дарс жадвали асосида ўтказиш;
- Хорижий тилларда суҳбатлашиш кўникмаларини ривожлантириш;
- SpeakingClub.uz платформасининг талабларига риоя қилиш;
- кейинги ўринларда “Хизматлар” деб юритилади.

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати:

\_\_\_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ дан. 6 ой. Ишчи Хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш ҳуқуқига эга.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Ишчи қуйидагиларга мажбур:

2.1.1. Хизматларни лозим даражада сифатли кўрсатиш;

2.1.2. Хизматларни тўлиқ миқдорда ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда кўрсатиш;

2.1.3. Агар Ишчи хизматлар кўрсатиш жараёнида кўрсатилган хизматлар натижасининг сифати ёмонлашувига олиб келган ушбу шартнома шартларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, Иш берувчининг талабига кўра барча аниқланган камчиликларни ўн иш куни давомида бепул тузатиш;

2.1.4. Хизматларни шахсан ўзи кўрсатиш.

2.1.5. Иш берувчининг барча юридик маълумотлари сир сақланишини таъминлаш.

2.2. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Хизматлар учун якуний ҳисоб-китобларни ушбу шартноманинг III бўлимида кўрсатилган ҳисоблаш бўйича, кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб уч иш куни давомида амалга ошириш;

2.4. Иш берувчи қуйидагиларга ҳақли:

2.4.1. Исталган вақтда Ишчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш;

2.4.2. Далолатномани имзолашдан олдин исталган вақтда, Иш берувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги хабарнома олингунча кўрсатилган Хизматларнинг бир қисмига мутаносиб равишда белгиланган нархни Ижрочига тўлаган ҳолда ушбу шартномани бажаришдан бош тортиш.

### **III. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

3.1. Ушбу шартноманинг нархи қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Ижрочига тўланадиган ҳақ:

Дарслар учун белгиланган нархдан 20% платформа хизмати чегириб олинади ва тўлов (солиқ тўловлари чегириб қолган ҳолда) амалга оширилади;

3.2. Иш берувчи томонидан бажарилган Хизматларга ҳақ тўланиши пул маблағларини Ишчининг ушбу шартномада кўрсатилган ҳисобварағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Иш ҳақи режада кўрсатилган дарс ўтилганидан сўнг бир ҳафтада тўланади.

### **IV. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

4.1. Ишчи ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Хизматларни бажариш муддатини бузган ҳолатда томонларнинг келишуви билан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

4.2. Ушбу шартнома Ходимнинг ташаббуси билан, Иш берувчини бир ҳафта олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши мумкин;

4.3. Шартнома Иш берувчининг ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

4.3.1. Иш фаолиятининг ўзгариши, меҳнатни ташкил этиш, иш ҳажмининг қисқариши, иш характерининг ўзгариши ёки корxonанинг тугатилиши;

4.3.2. Ходимнинг малакаси ёки соғлиғи ҳолати туфайли бажарилган ишига мос келмаслиги;

4.3.3. Ходим томонидан ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузиш;

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

5.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха бир хил кучга эга. Ҳар бир Тарафга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ

### “Ишчи”

Яшаш манзили: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Паспорт серияси ва рақами: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Телефон рақам: \_\_\_\_\_

Пластик рақами ва амал қилиш  
муддати: \_\_\_\_\_

Банк транзит рақами (пластик карта  
очилган банкдан олинади): \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_

### “Иш берувчи”

“AZIZASLAN” Маъсулияти  
чекланган жамият

Юридик манзил: Навоий вилояти,  
Навоий шаҳар Истиклол МФЙ,  
Гулистон кўчаси, 311- уй

Ҳ/р: 2020060316498860001  
МФО: 00014  
ИНН: 310 087 844

Директор: А.Асланова

Имзо: \_\_\_\_\_